



Ахлоқ фалсафаси (Етика)



РЕЖА:

- ▶ 1. Ахлоқшунослик фанининг тадқиқот доираси.
 - ▶ 2. Ахлоқшуносликнинг ўзига хос фалсафий фан сифатидаги ўрни.
 - ▶ 3. Ахлоқшуносликнинг бошқа ижтимоий фанлар билан алоқаси.
 - ▶ 4. Ахлоқшунослик фанининг аҳамияти ва вазифалари.
-




АХЛОҚШУНОСЛИК ФАНИ

- ▶ «Илми равиш»
- ▶ «Илми ахлоқ»
- ▶ «Ахлоқ илми»
- ▶ «Одобнома»



▶ «Этика» (ta ethika) сўзини биринчи бўлиб юнон файласуфи Арасту муомалага киритган.

▶ Арастунинг фанлар таснифида этика ва сиёсат амалий фанлар гуруҳига киритилган.



- ▶ Хулк – одоб масалаларини Фаробий инсоннинг интеллектуал сифатлари – «ақллиги», «донолиги» билан узвий боғлиқ ҳолда олиб текширди.
- ▶ Олий ахлокий фазилатлар деганда Фаробий хатти – ҳаракатларда намоён булвчи билимдонлик, донолик, виждонли, камтар бўлиш, ўз шахсий мақсадидан кўпчилик мақсадини устун қўйиш, ҳақиқатга, муҳаббат ва маънавий юксакликка интилиш, адолатни севиш кабиларни тушунади.



- ▶ Салбий ахлоқий хислатларни:
- ▶ жоҳиллик,
- ▶ ёлғончилик,
- ▶ адолатсизлик,
- ▶ золимлик,
- ▶ хасислик,
- ▶ очкузлик,
- ▶ бойликка интилиш ва бошқаларни қоралайди.



-
- ▶ Яқинга қадар этика фалсафанинг таркибий қисми бўлиб, унинг ядроси ҳисобланган.
 - ▶ Фалсафий тафаккур тарихига назар ташласак, этика фани фалсафанинг бирданига нисбатан мустақил соҳасига айланиб қолмаганлигига гувоҳ бўламиз.
-



Ахлоқшунослик

- ▶ ахлоқнинг келиб чиқиши ва моҳиятини, кишининг жамиятдаги ахлоқий муносабатларини ўрганади.
- ▶ «Ахлоқ» сўзи арабчадан олинган бўлиб, «хулқ» сўзининг кўплик шаклидир.

«Ахлоқ»

- ▶ ибораси икки хил маънога эга:
- ▶ **умумий тушунча** сифатида фаннинг тадқиқот объектини англатса,
- ▶ **муайян тушунча** сифатида инсон феъл-атвори ва хатти-ҳаракатининг энг қамровли қисмини билдиради.



оила, жамоа, маҳалла-кўй миқёсида аҳамиятли бўлган, аммо жамият ва инсоният ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатмайдиган ёқимли инсоний хатти-ҳаракатларнинг мажмуи.

жамият, замон, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси дир.



Одоб инсон ҳақида ёқимли таассурот уйғотадиган, лекин жамоа, жамият ва инсоният ҳаётида у қадар муҳим аҳамиятга эга бўлмайдиган, миллий урф-одатларга асосланган чиройли хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади

Ахлоқшунослик

- ▶ **Одоб - Хулқ – Ахлоқни**
- ▶ мазкур уч ахлоқий ҳодисани бир-бири билан узвийликда ва нисбийликда ўрганади



Ахлоқшунослик

- ▶ фалсафанинг тадқиқот объектини тафаккур деб белгилаш мақсадга мувофиқ.
- ▶ Ахлоқшунослик ахлоқий тафаккур тараққиётини тадқиқ этади ва амалиётда инсонни эзгулик орқали ҳақиқатга олиб боришга хизмат қилади.
- ▶ Шу боис уни ахлоқ фалсафаси ёхуд эзгулик фалсафаси деб аташ мумкин.



Ахлоқшунослик

ахлоқий тафаккур тараққиётини

тадқиқ этар экан, у ахлоқни:

- ▶ 1) баён қилади;
- ▶ 2) тушунтиради;
- ▶ 3) ўргатади.

Шунга кўра, у

- ▶ тажрибавий-баёний,
- ▶ фалсафий-назарий ва
- ▶ расмона-меъёрий табиатга эга.

**Амалий
этика**

АҲЛОҚШУНОСЛИК

**Назарий
этика**


кишиларни
ахлоқий қонун-
қоидаларга
ўргатади

назария билан
амалиётнинг
омухталигидадир

инсоният ўз
тажрибаси орқали
эришган
донишмандлик
намуналарини
ҳикматлар, нақллар,
матал-мақоллар
тарзида баён этади

ахлоқнинг
моҳиятини
тушунтиради ва
фалсафий
хулосалар
чиқаради

Назарий этиканинг тизими



▶ Амалий ахлоқнинг дастлабки намуналари бундан уч ярим минг йил аввал дунёдаги биринчи ёзув бўлмиш мих хатда гилтахталарга ёзилган мақол ва маталлардир.

Амалий ахлоқнинг дастлабки намуналари

- ▶ Шумер гимнлари
- ▶ Бобилонда «Гильгамеш» эпоси
- ▶ Хаммурапининг Қонунлар мажмуи
 - ▶ Қадимги Мисрда «Пхатотеп
ўғитлари»



Бизнинг юртимизда ахлоқнинг вужудга келиши

- ▶ зардуштийлик дини билан боғлиқ
 - ▶ «Авесто» да ахлоқий фазилатлар ва иллатлар санаб ўтилади, талқин этилади.
 - ▶ «Абадий эзгулик», «Эзгу ният», «Эзгу тартиб», «Илоҳий тобеълик»
-



Зардўштилик

▶ эзгулик руҳи – яратувчилик,
ижодкорлик қуввати, Ёвузлик эса
бузиш ва бузғунчилик кучи тарзида
номоён бўлади.



Ахура-Мазда

- ▶ қиёфасидаги бу эзгулик – ҳаёт рамзи, ерни инсон, ҳайвонот ва наботот билан бойитади, инсон уларни соғлик куч-қудрат, бахт, шодлик, умид, ишонч, гўзаллик, фаровонлик ёрдамида мунаввар қилади.
-
- 